


Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти

Миллий ва халқаро кураш турлари назарияси ва  
услубияти кафедраси

**МАЛАКАЛИ БЕЛБОҒЛИ КУРАШЧИЛАРНИНГ  
КЎҚРАКДАН ОШИРИБ ТАШЛАШ УСУЛИНИ  
БАЖАРИШДАГИ ЖАДАЛЛАШТИРУВЧИ КУЧНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ УСЛУБИЯТИ**

Қирғизбоев М.М.



2017

Тошкент

**МАЛАКАЛИ БЕЛБОҒЛИ КУРАШЧИЛАРНИНГ КЎКРАКДАН  
ОШИРИБ ТАШЛАШ УСУЛИНИ БАЖАРИШДАГИ  
ЖАДАЛЛАШТИРУВЧИ КУЧНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСЛУБИЯТИ**

ЎзДЖТИ ўқитувчи Қирғизбоев М.М.

Ватанимизнинг ҳар бир вилоят ва шаҳарларида халқаро стандартларга мос, улкан спорт мажмуаларининг барпо этилиши, ўзбек спортчиларининг Жаҳон, Олимпия ва Осиё мусобақаларида юксак натижаларни қўлга киритиб келаётганлиги, юртимизда жисмоний тарбия ва спортни Давлат сиёсатининг устувор йуналишлари поғонасига кўтарилганлигидан далолат беради. Белбоғли кураш жаҳон спорт оламида алоҳида ўринга эга. Ҳозирда ушбу спорт туридан муентазам равишда Жаҳон биринчиликлари ва турнирлар ўтказилиб келинмоқда. Белбоғли кураш 2013-йили Козон (Россия)да бўлиб ўтадиган Бутунжаҳон Универсиада ўйинлари дастурларидан ҳам ўрин олди. Сўнгги уч йиллик мусобақаларга назар ташласак, аксарият бизнинг рақибларимизнинг ютуқлари кўкракдан ошириб ташлаш усулининг аъло даражада бажарилиши ҳисобига бўлган. Ушбу тадқиқотдан мақсад эса белбоғли курашчиларда кўкракдан ошириб ташлаш усулининг бажарилишидаги жадаллаштирувчи кучни ривожлантириш ва мусобақаларда юқори натижалар кўрсатиш. Белбоғли курашчиларининг жисмоний ва техник тайргарлик даражасини аниқлаш мақсадида қуйидаги синовлардан фойдаланилди:  
а) Брусьяда қўлларни букиш-ёзиш (сони). б) “Манекенни” 3 мин. давомида кўкракдан ошириб ташлаш (сони). в) “Манекен”ни 30 сек. давомида кўкракдан ошириб ташлаш (сони).г) Динамометрия-қўл, елка, қорин, бел мушакларининг кучини аниқлаш (кг).д) Турникда тортилиш (сони).е) Жойидан туриб икки оёқ билан дебсиниб узунликка 5 карра сакраш (см). ж) Қўлларга таяниб горизонтал етган холатда қўлларни 30 сек. Давомида букиш – езиш (сони). Тайёргарлик қисмидаги (курашчининг маҳсус машқлари билан биргаликда) синов машқлари:  
1.Максимал тезликда 10 марта олдинга 10 марта орқага ўмбалоқ олиш.  
2.Гиламга бошни тираб ўз ўқи атрофида айланиб максимал тезликда югуриш.  
3.Жойдан туриб юқорига

вертикал йўналишда 5 марта сакраб икки оёқ билан дебсиниб, ҳар сакраганда ҳавода навбатма-навбат ўнг ва чап томонларга  $360^{\circ}$  айланиб, ерга қўниш.

4.Кўлларга таяниб горизонтал ҳолатда қўлларни максимал тезликда сакраб букиш-ёзиш (3 марта 30 секунддан, оралиқ танаффус 30 секунд). Асосий қисмдаги синов машқлари: 1. Максимал тезликда манкенни 10 марта кўкракдан ошириб ташлаш. 2.Максимал тезликда манкенни кўтариб ўз ўқи атрофида 10 марта ўнг томонга, 10 марта чап томонга айланиш. 3.Боксчиларни оғирлаштирилган тўлдирма қопини кўкракдан ошириб ташлаш. 4.Максимал тезликда манкенни 5 марта белдан ошириб ташлаш. Ҳар бир машқ тури бажариб бўлингандан сўнг 1-1,5 дақиқа давомида мушакларни бўшаштирувчи ва таранглаштирувчи, нафас олиш функциясини тикловчи (чуқур нафас олиш ва чуқур-кескин нафас чиқариш) машқлар бажарилди. Белбоғли курашчилардаги қўл-қорин-бел мушаклари кучи тадқиқот якунида тадқиқот гурухидаги курашчиларда назорат гурухидагиларга нисбатан 9,1 кг ўсди. Назорат гурухидаги курашчиларда ушбу фарқ фақатгина 2,4 кг га teng бўлди. Яъни назорат гурухида ушбу кўрсаткич тадқиқот бошида 117,7кг ни ташкил этган бўлса, тадқиқот якунида 120,1кг гача ошди. Тадқиқот гурухида бу кўрсаткичлар 119,2 ва 126,8 кг миқдорида қайд этилди. қўлларни букувчи мушаклар кучи тадқиқот гурухида 5,6 марта ортган бўлса, назорат фақатгина 2.4 марта тенг бўлди холос.Педагогик тадқиқот якуни ва тадқиқот гурухларида жисмоний тайёргарлик кўрсаткичларининг ўзгариши: 1.Манекенни 3 мин. давомида кўкракдан ошириб ташлаш (сони). - тадқиқотдан олдин назорат гурухида  $32,3 \pm 3,5$ , тадқиқотдан кейин  $35,1 \pm 3,2$ ; тадқиқот гурухида  $32,6 \pm 5,3$  ва  $36,8 \pm 3,5$ . 2.Қўлларни брусяда ёзувчи-букивчи мушаклар кучи тадқиқотдан олдин назорат гурухида  $12,2 \pm 4,3$  ва тадқиқотдан кейин  $14,8 \pm 5,2$  марта, тадқиқот гурухида  $12,3 \pm 5,4$  ва  $15,6 \pm 5,7$  марта миқдорда ўз ифодасини топди. 3.Турникда тортилиш (сони) - тадқиқотдан олдин назорат гурухида  $8,3 \pm 2,7$  ва тадқиқотдан кейин  $9,2 \pm 3,1$ , тадқиқот гурухида  $8,2 \pm 2,9$ ва  $9,7 \pm 3,6$  миқдорда ўз ифодасини топди. 4.Динамометрия-қўл, елка, қорин, бел

мушакларининг кучини аниқлаш (кг) - тадқиқотдан олдин назорат гуруҳида  $58,7 \pm 5,2$  ва тадқиқотдан кейин  $61,8 \pm 4,6$ , тадқиқот гуруҳида  $57,2 \pm 6,4$  ва  $61,2 \pm 4,3$  миқдорда ўз ифодасини топди. 5. Манекен"ни 30 сек. давомида кўкракдан ошириб ташлаш (сони). - тадқиқотдан олдин назорат гуруҳида  $12,8 \pm 2,9$ , тадқиқотдан кейин  $14,9 \pm 3,2$ ; тадқиқот гуруҳида  $13,0 \pm 3,8$  ва  $13,0 \pm 3,8$ . 6. Кўлларга таяниб горизонтал етган холатда кўлларни 30 сек. давомида букиш – езиш (сони). - тадқиқотдан олдин назорат гуруҳида  $15,8 \pm 2,9$  ва тадқиқотдан кейин  $16,9 \pm 3,2$ , тадқиқот гуруҳида  $16,0 \pm 3,8$  ва  $18,0 \pm 3,6$  миқдорда ўз ифодасини топди. 7. Жойидан туриб икки оёқ билан дебсиниб узунликка 5 карра сакраш (см). - тадқиқотдан олдин назорат гуруҳида  $812 \pm 54$  ва тадқиқотдан кейин  $828 \pm 84$ , тадқиқот гуруҳида  $819 \pm 68$  ва  $907 \pm 95$  миқдорда ўз ифодасини топди. Тадқиқот гуруҳида кузатилган куч сифатига доир ушбу прогрессив ўсиш тезкор-куч ва тезкор-куч чидамлилиги бўйича ҳам ўз исботини топди. Демак, тадқиқот давомида мунтазам ижро этилган, йўналтирилган машқлар мажмуаси гавда ва оёқ мушаклари толаларига ўрта ижобий таъсир этиб, 4 ойлик узлуксиз машғулотлар якунида тезкор-куч сифатини 88 см миқдорда ўсишига сабабчи бўлди. Жадаллаштирувчи куч сифатларини ривожлантириш учун танланган услубларлар, синов ва машқлардан дарснинг - тайёргарлик ва асосий қсмларида фойдаланиш самарали натижа беради. Шулардан усулларни қисмларга бўлиб тезлик билан бажариш, зарбавий машқлар, комплексли ва кенг миқёсда тренажер ускуналаридан фойдаланиш яхши ўта самаралидир.